

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХУЖАМОВ ОЛИМЖОН БАХРИДИНОВИЧ**

**ЧОВ ЧУРРАЛАРИ БИЛАН БЕМОРЛАРНИ**  
**ХИРУРГИК ДАВОСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2024**

УЎК: 616.34-007.43-031:611.957(616.89-02-089)

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Хужамов Олимжон Бахридинович**

Чов чурраси билан оғриган беморларни  
жарроҳлик даволашни оптималлаштириш..... 3

**Хужамов Олимжон Бахридинович**

Оптимизация хирургического лечения  
больных с паховыми грыжами ..... 31

**Khuzhamov Olimjon Bakhridinovich**

Optimization of surgical treatment of  
patients with inguinal hernia ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 65

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХУЖАМОВ ОЛИМЖОН БАХРИДИНОВИЧ**

**ЧОВ ЧУРРАСИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИ**  
**ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib4149 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хулоса)) Илмий кенгашнинг интернет саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва “Зиёнет” ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.).

**Илмий раҳбар:**

**Давлатов Салим Сулаймонович**  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент.

**Расмий оппонентлар:**

**Хамдамов Бахтиёр Зарифович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

**Назаров Шохин Қувватович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

**Етакчи ташкилот:**

**“Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси”**  
(Қозоғистон Республикаси).

Диссертация ҳимояси 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ да Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 рақамли Илмий кенгаш мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри. Ғиждувон кўчаси, 23 - уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru))

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23 - уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Т. Ўроқов**

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Қазакова**

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**Б.З.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...қорин олд деворининг чурраси энг кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, аҳолининг 3-7 фоизда аниқланади ва кўпинча, меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар асосан зарар кўради...»<sup>1</sup>. Вентрал чурралар орасида чов чурралари энг кўп учрайди, бу уларнинг умумий қисмининг 65-80 фоизини ташкил қилади. Чурра жарроҳлиги умумий жарроҳлик амалиётида муҳим ўрин тутади ва энг кўп бажариладиган операциялардан биридир. Чурра турларининг пайдо бўлиш частотаси манбага қараб фарқ қилса-да, уларнинг 75% чов чурраларига тўғри келади деган фикр мавжуд. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳаёт давомида чов чурраси ривожланиш хавфи эркаларда 27% ва аёлларда 3% ни ташкил қилади. Чов чурралари тез-тез пайдо бўлиши, юқори касалланиши, операциядан кейинги асоратлари ва ҳатто юқори ўлим даражаси туфайли жарроҳликнинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Дунё бўйлаб ҳар йили 20 миллиондан ортиқ чурра пластик жарроҳлик амалиёти ўтказилади. 1884 йилда анатомик тиклаш усули билан бошланган жараён, бугунги кунда замонавий усуллардан ҳисобланган лапароскопик чурра жарроҳлиги ҳамда операцияларда протезлардан фойдаланиш каби тобора кенг тарқалган усулларга йўл очиб берди.

Жаҳон миқёсида чурра кесиш амалиётида миллионга яқин синтетик протезлар қўлланилади. Протезлардан кенг фойдаланиш ва муваффақиятли натижаларга қарамасдан, адабиётларда ёт жисмга реакция натижасида битишмалар пайдо бўлиши, инфекция, ичак оқмаси, ёнбош-чов нервининг қисилиши туфайли оғриқ ва мойк атрофияси каби асоратлар ҳақида хабар берилган. Полипропилен протезлардан фойдаланиш билан бошланган жараёнда танага кўпроқ мос келадиган ва камроқ ноқулайлик туғдирадиган маҳсулотларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш бўйича ҳаракатлар давом этмоқда. Бугунги кунда чурра кесишда ишлатиладиган қоплама тушунчаларининг икки тури тан олинган: оғир ва енгил қопламалар. Сўнгги пайтларда жарроҳлик техникаси ва синтетик протезлар операциядан кейинги ҳаёт сифатини ва айниқса, операциядан кейинги сурункали оғриқни баҳолаш билан боғлиқ ҳолатлар яна муҳокама қилинмоқда. Сурункали оғриқнинг ривожланишида жарроҳнинг тажрибаси, қайталаниши туфайли қайта операция, нерв шикастланиши, қоплама (протез) имплантацияси, операция тури, психо-ижтимоий омиллар, операциядан олдинги оғриқ, беморнинг ёши, операциядан кейинги эрта оғриқ ва ишемия каби хавф омиллари аниқланган.

Ҳозирги вақтда республикамизда соғлиқни сақлаш соҳасида сифатни тубдан яхшилаш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам доирасини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар кўрилди. Ушбу йўналишда, хусусан, қорин чурраси билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш сифатини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун чурра

---

<sup>1</sup> World Health Organization. Hernias: fact sheet no. 1999. World Health Organization website. 2017. [www.who.int/iris/handle/10589/1111189](http://www.who.int/iris/handle/10589/1111189).

касаллигининг олдини олиш, метафилактика ва даволашнинг янги усуллари самарадорлигини баҳолаш учун илмий асосланган натижалар талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25-апрелдаги ПҚ – 215-сонли «...Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифатини яхшилаш бўйича вазифалар белгиланган...»<sup>2</sup> Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш ва касалликнинг қайталанишини камайтиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш орқали чов чуррани даволаш сифатини яхшилаш долзарб йўналишлардан биридир. Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 16-июндаги "Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-283-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-июлдаги ПҚ-5198-сон "Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади, Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш", шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида 2019-йил 30-сентябрдаги 832-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

**Диссертация мавзусининг республикадаги илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари VI "Тиббиёт ва фармакология" республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда, кўп марказли тадқиқотга кўра, чов чурраси билан оғриган беморларда сезиларли ўсиш кузатилмоқда. Рус олимларининг сўзларига кўра, «Чов чуррасининг қайталаниши учун асосий хавф омиллари - бу ноадекват бажарилган пластика, тикилган тўқималарнинг таранглиги, гетероген тўқималарнинг ўзаро боғланиши, чов каналининг нуқсонлари, чов каналини ташкил этувчи тўқималарда ёшга боғлиқ ўзгаришлардир». Чов чурраларни даволашнинг турли хил усуллари ва уларнинг яхшиланиши шуни кўрсатадики, муаллифлар пасайиш тенденциясига эга бўлмаган қайталанишлар частотаси туфайли ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича тадқиқотларни давом эттирмоқдалар. Чурраларни “таранглашган” пластика қилиш усуллари билан операция қилинган беморларда касалликнинг қайталаниш даражаси 7,8%, такрорий қайталаниш даражаси эса 16,7%ни ташкил қилади. Чурраларни таранглашмаган пластика қилиш усулларда қайталаниш кузатувларнинг 0,7 фоизда учрайди (Насибян А.Б. ва ҳаммуал., 2017).

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунга қадар 300-400 та кўплаб операцион усуллар ишлаб чиқилган. Энг машҳурлари-бу тўр эндопротезларидан фойдаланган ҳолда атензив усуллариدير. Улар энг физиологик ҳамда бошқа усулларга нисбатан бирмунча камроқ қайталанишларга сабаб бўлади. Чов чурраси билан оғриган 695 беморни жарроҳлик даволаш натижаларини ўрганиб чиқиб, "Лихтенштейн усули билан ўтказилган операция анъанавий аутопластика усулларига қараганда, самарадорлигини тавсифловчи яхши ва аъло натижалар 16,3%га эга, узок вақт давомида ҳаёт сифати эса  $12,63 \pm 4,62$  га юқори" деган хулосага келган. Бироқ, уларни амалда қўллаш имкониятлари кўпинча турли омиллар, шу жумладан операциядан кейинги асоратларнинг ривожланиши туфайли чекланган. Чурраларни, шу жумладан чов чурраларни жарроҳлик даволашнинг замонавий усули функционал жиҳатдан яроқсиз бўлган анатомик тузилмаларни (чов каналининг орқа девори) протезлаш учун синтетик имплант (аллогерниопластика) ёрдамида операцияни ўз ичига олади. Биоматериалларнинг пайдо бўлиши билан ушбу касалликнинг якуний даволаш даражаси 100%га яқинлашади. Ҳозирда ушбу техниканинг чурралар такрорланиш эҳтимолининг ўртача 4%гача пасайишига боғлиқ ҳамда ушбу учулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги шубҳа туғдирмайди (Шапошников Й.Й. ва ҳаммуал., 2016).

Аллогерниопластикадан кейин энг кўп касалликнинг қайталаниши - операция жараёни ва техникаси бузилганда (имплантнинг ишончли фиксациясидаги камчиликлар, имплантнинг силжишига ва чурра қайталанишнинг пайдо бўлишига олиб келади) учрайди. Операциядан кейинги тегишли парвариш билан протезнинг етарли даражада интеграцияси ҳамда оптимал жарроҳлик техникасидан фойдаланган ҳолда, бемор одатдаги барча машғулотлар, шу жумладан одатдаги кундалик жисмоний ҳаракатлар ва спорт билан шуғулланиш каби нормал ҳолатга қайтиши мумкин (Беллн Ж.М. ва ҳаммуал., 2013).

Сўнгги ўн йилликлар давомида қорин девори чурраларининг барча турларини масалан, киндик, сон ва аксарият ҳолларда чов ва операциядан кейинги чурраларини даволаш учун имплантларни қўллашнинг кўплаб турлари ишлаб чиқилган ва ўрганилган. Республикамиз олимлари фикрича, "Қорин олд деворининг мушак-апоневротик фасциясининг таркибий функционал заифлигига эга бўлган чов чурраси бўлган катта ёшдаги гуруҳларда чов каналининг лапароскопик чурраларни таранглашмаган протез ўрнатиш пластикаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир". Олимлар таъкидланишича, «Ҳар хил турдаги юқори технологияли операциялардан фойдаланишга қарамай, чов чурраси билан оғриган беморларда қониқарсиз даволаш натижалари юқориликча сақланиб қолмоқда» (Султонов Р.Б. ва ҳаммуал., 2014). Замонавий синтетик протезлардан, шунингдек биоматериаллардан кўшимча сифатида фойдаланиш мураккаб чов чурралари бўлган беморларни даволаш кўрсаткичларини кенгайтиришга ва даволаш натижаларини яхшилашга имкон берди. Шу билан бирга, пластиканинг протезлаш усулларида сўнг, материалнинг хусусиятлари, протезни тўқималарга мустаҳкамлаш соҳасидаги сурункали яллиғланиш, шунингдек

операцияни бажаришда йўл қўйилган техник хатолар туфайли қайталанишлар кузатилиши мумкин (Каримов Ш.И. ва ҳаммуал., 2017<sup>3</sup>).

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, чов чурраларини даволаш ва қайталанишнинг олдини олишнинг ҳозирги тенденциялари чов канали функциясини тиклашга, операциядан кейин жисмоний реабилитацияга ва косметик таъсирга эришишга асосланган. Қониқарсиз натижаларнинг сезиларли фоизи, даволанишнинг мақбул усулини танлашнинг етишмаслиги ушбу соҳада кейинги тадқиқотлар олиб боришга ундайди. Юқоридагилар чов чурраси билан оғриган беморларни жарроҳлик даволашда, айниқса тайёргарлик босқичида тананинг захира имкониятларини баҳолаш ва герниопластиканинг протезли усулларидадан фойдаланиш бўйича мақбул ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан алоқаси.** Мазкур диссертация ишини амалга ошириш Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ва мавзусига асосан режалаштирилган (№ 097, 05.2020. PhD) «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи аъзоизмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» илмий-тадқиқот режаси асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** герниопластиканинг техник жиҳатларини такомиллаштириш орқали чов чурраси билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат бўлган.

**Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

клиник, анамнестик, антропометрик ва морфологик маълумотларни ўрганиш орқали чов чурраси вужудга келиши ва қайталаниши учун хавф омилларини аниқлаш;

чов чуррасининг вужудга келиши ва қайталаниши учун хавф омилларини аниқлаш, шунингдек таққослаш гуруҳидаги беморларни жарроҳлик даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини ўрганиш асосида чов каналини пластика қилиш усулини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

уруғ тизимчаси ва мойкнинг қон таъминоти бузилишининг олдини олиш учун такомиллаштирилган жарроҳлик ускунаининг самарадорлигини баҳолаш;

тавсия этилган чов канали орқа деворининг протезли пластикасининг такомиллаштирилган қорин-олди усулининг самарадорлигини ўрганиш;

чов канали пластикасининг турли усулларидадан кейин беморлар ҳаёт сифатини баҳолашдан иборат.

---

<sup>3</sup> Каримов Ш.И., Беркинов У.Б., Хакимов М.Ш., Саттаров О.Т. Лапароскопическая герниопластика в хирургическом лечении паховых грыж // Медицинский журнал Узбекистана. – 2016. – №. 2. Стр. 113-119.

**Тадқиқотнинг объекти:** 2018 йилдан 2023 йилгача Самарқанд қўп тармоқли вилоят касалхонасининг жарроҳлик бўлимида стационар даволанишда бўлган чов чурраси бор бўлган 196 бемор танланган.

**Тадқиқотнинг предмети:** герниопластика усулини танлашда табақалаштирилган ёндашувдан фойдаланган ҳолда чов чурраси бўлган беморларни комплекс текшириш ва жарроҳлик даволаш натижаларини таҳлилини ўз ичига олган. Текшириш усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги тадқиқот усуллари қўлланилади: умумий клиник, антропометрик, инструментал, морфологик ва статистик тадқиқотнинг усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

клиник, анамнестик, антропометрик маълумотларга ва чов учбурчаги соҳасидаги тўқималарнинг ҳолатига қараб чов герниоаллопластикани танлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

уруғ тизимчасининг шикастланиши ва мойкнинг қон таъминоти бузилишининг олдини олиш учун махсус ускуна ишлаб чиқилган;

герниоаллопластиканинг қорин парда олди модификациялаштирилган очиқ усулини қўллаш орқали чов чурраларни даволаш ва олдини олиш усули такомиллаштирилди, бу уруғ тизимчасининг веноз тизимидаги димланишни минималлаштириш ва операциядан кейинги даврда ёрғоқ шиши пайдо бўлишининг олдини олиш билан чов каналнинг зич орқа деворини яратишга имкон берган;

"Таранглашган" ва "Таранглашмаган" операция усуллари орқали чов герниопластикасини бажариш натижалари ўрганилди, жарроҳлик аралашувларнинг клиник афзаллиги аниқланди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

чов чурраси учун аниқланган хавф омиллари чуррани даволашнинг етарли усулини танлашга ва касалликнинг қайталанишини камайтиришга имкон беради, бу операция қилинган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади;

касалликнинг қайталаниши учун хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда чов чурраси билан оғриган беморларни олиб бориш тактикаси алгоритми ишлаб чиқилган;

амалиётда уруғ тизимчасининг шикастланиши ва мойкнинг қон таъминоти бузилишининг олдини олиш учун махсус ускуна жорий этилган;

чов каналининг кўндаланг фасцияси остида эндопротез импланти билан чов герниопластикани амалга оширишнинг техник жиҳатларини такомиллаштириш операциядан кейинги дастлабки даврдаги асоратларни ва касалликнинг қайталанишини бартараф этишга имкон берган;

чов чурраси бўлган беморларда герниоаллопластиканинг клиник самарадорлиги жароҳатдаги асоратларининг камайиши ва операциядан кейинги узоқ даврда ҳаёт сифатининг яхшиланишига асос бўла олган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалиётда кенг қўлланиладиган замонавий клиник, антропометрик, лаборатория, инструментал ва морфологик тадқиқот

усулларидан фойдаланиш билан тасдиқланган. Олинган барча натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланади. Статистик ишлов бериш натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифларнинг назарий аҳамияти бор, улар чов чурра билан оғриган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик даволашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшади. Анамнестик, клиник, антропометрик маълумотларга ва чов учбурчаги соҳасидаги тўқималарнинг ҳолатига қараб чов чурраларида герниоаллопластикани танлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Уруғ тизимчасининг шикастланиши ва мойкнинг қон таъминоти бузилишининг олдини олиш учун махсус ускуна ишлаб чиқилган. Герниоаллопластиканинг такомиллаштирилган очиқ қоринолди усулини қўллаш орқали давосида - чов чурраларини қайталанишини ва олдини олиш усули такомиллаштирилди, бу уруғ тизимчасининг веноз тизимидаги турғунликни минималлаштириш ва операциядан кейинги даврда ёрғоқ шиши пайдо бўлишининг олдини олиш орқали чов каналининг зич орқа деворини яратишга имкон беради. Чов чурраси операциясида герниопластиканинг "таранглашган" ва "таранглашмаган" усуллари ёрдамида амалга ошириш натижалари ўрганилди, жарроҳлик аралашувларнинг клиник самарадорлиги аниқлаш билан баҳоланган;

ишнинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижаларига кўра чов чурраси пайдо бўлишининг аниқланган хавф омиллари чуррани даволашнинг етарли усулини танлашга ва касалликнинг қайталаниш сонини камайитиришга имкон беради, бу операция қилинган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайти. Касалликнинг қайталаниши учун хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда чов чурраси билан оғриган беморларни олиб бориш тактикаси алгоритми ишлаб чиқилган. Амалиётда уруғ тизимчасининг шикастланиши ва мойкнинг қон таъминоти бузилишининг олдини олиш учун махсус ускуна жорий этилди. Чов каналининг қорин-олди фасцияси остида эндопротезни имплантация қилиш билан чов чуррасида герниоаллопластикани амалга оширишнинг техник жиҳатларини такомиллаштириш операциядан кейинги дастлабки даврда асоратларни ва касалликнинг қайталанишини бартараф этишга имкон беради. Чов чурраси бўлган беморларда герниоаллопластиканинг клиник самарадорлиги, жароҳатдаги асоратларининг камайиши ва операциядан кейинги узок даврда ҳаёт сифатининг яхшиланиши билан оқланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Чов чурраси билан оғриган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик даволашни яхшилаш бўйича илмий изланиш натижаларига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* клиник, анамнестик, антропометрик маълумотларга ва чов учбурчаги соҳасидаги тўқималарнинг ҳолатига қараб чов герниоаллопластикани танлаш алгоритми ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Ўтказилган тадқиқот асосида чов чурраси билан оғриган беморларда унинг пайдо бўлиши учун 1 дан 4 гача хавф омиллари

мавжудлигини аниқладик. Уларнинг асосийлари оғир жисмоний иш (чурра ташувчиларнинг 58,7 фоизида); қорин бўшлиғи босимининг ошиши билан кечадиган қўшма касалликларнинг мавжудлиги (беморларнинг 115 (58,7%)); шунингдек, бириктирувчи тўқима туғма дисплазия белгиларининг мавжудлиги (беморларнинг 28,1 фоизида). Чов чурраси гиперстеник тана тузилишга эга беморларда 65,8% ҳолларда кўпроқ учрайди. Морфологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, гиперстеник тана тузилишга эга беморларда қорин бўшлиғи мушаклари апоневрозининг нормал тузилишидаги бузилишлар ривожлангандир. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (26.03.2024 й.; №51), Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (01.04.2024 й.; №147), Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (04.04.2024 й.; №154) тадбиқ этилди. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилашга, операциядан кейинги вақтини, амалиётдан кейинги асоратлар частотасини ва даволанишнинг реабилитация даврини камайтиришга имкон берган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: чов чурраси билан оғриган кекса ва қари ёшдаги, шунингдек гиперстеник типдаги беморлар ишга ва жамиятдаги фаол ҳаётга қайтиш, тиббий ёрдамдан қониқиши, умр кўриш давомийлигининг ошиши, ўлим ва ногиронликнинг камайиши имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: амалиётга татбиқ этилган тактик алгоритм чов чурраси учун маълум хавф омилларининг мавжудлиги ёки йўқлигига қараб чов каналини пластикасининг мақбул усулини аниқлашга ёрдам берди ва бунинг натижасида оғрик қолдирувчи дори – воситаларини буюриш сони кескин камайган, шунингдек беморларнинг стационар шароитида даволаниш даври қисқарган. *Хулоса:* Ишлаб чиқилган тактик алгоритмни қўллаш натижасида, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 540000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 700 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*иккинчи илмий янгилик:* уруғ тизимчасининг шикастланиши ва мойкнинг қон таъминоти бузилишининг олдини олиш учун махсус ускуна (№ IAP 7593 29.12.2023, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги "Чов каналини пластика қилиш усули") ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Ишлаб чиқилган жарроҳлик ускунасидан фойдаланиш орқали техник жиҳатларни такомиллаштириш уруғ тизимчасининг шикастланишини олдини олиш операциядан кейинги дастлабки даврда асоратларни 16,1% дан 4,8% гача, яъни 3 бараваргача камайтиришга имкон берди, бу мойкнинг қон билан таъминланишининг бузилиши билан боғлиқ бўлган ёрғоқ шиши, мойк гидроцелеси, инфилтрат ва мойк атрофияси каби асоратларни бартараф этишини оширди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (26.03.2024 й.; №51), Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (01.04.2024 й.; №147), Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (04.04.2024 й.; №154) тадбиқ этилди. Тадқиқот

натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши натижасида чов чурралари билан оғриган беморларни даволаш натижалари яхшиланган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ушбу янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги шундаки, чов чурраси билан оғриган беморларда операциядан кейинги асоратларнинг камайиши ва оғриқ кузатилмаслиги ҳисобига беморлар ишга ва жамиятдаги фаол ҳаётга қайтиш, тиббий ёрдамдан қониқиши, умр кўриш давомийлигининг ошиши имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Чов чурралари хирургик давосида уруғ тизимчасининг шикастланиши ва моякнинг қон таъминоти бузилишининг олдини олиш учун ишлаб чиқилган махсус ускунани қўллаш оқибатида операциядан кейинги асоратлар частотаси 16,1% дан 4,8% гача камайган, операция давомийлиги, реабилитация даври, ҳамда стационар давонинг умумий муддатини қисқариши имконини берган. *Хулоса:* Чов чурраси билан оғриган беморларда операциядан кейинги эрта асоратлар камайганлигини ҳисобга олиб, 1 нафар бемордан бюджет маблағларини 6 400 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 7 200 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*учинчи илмий янгилик:* герниоаллопластиканинг қорин парда олди модификациялаштирилган очиқ усулини (IAP 7588 02.02.2024, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги "Чов чурра аллопластикаси усули") қўллаш орқали чов чурраларни даволаш ва олдини олиш усули такомиллаштирилди, бу уруғ тизимчасининг веноз тизимидаги димланишни минималлаштириш ва операциядан кейинги даврда ёрғоқ шиши пайдо бўлишининг олдини олиш билан чов каналнинг зич орқа деворини яратишга имкон берган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Таклиф этилаётган модификацияланган қорин прарда олд соҳасига трансплантат қолдириб герниоаллопластика усули қўллаш чурра қайталанишини 5,3%дан нолгача туширишга имконини берди; *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (26.03.2024 й.; №51), Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (01.04.2024 й.; №147), Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (04.04.2024 й.; №154) тадбиқ этилди. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши натижасида чов чурралари билан оғриган беморларни даволаш натижалари яхшиланган, беморлар реабилитацияси қисқарган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* I.L.Lichtenstein усули бўйича операция техник жиҳатдан содда ва бажарилиши мумкин, аммо беморларнинг 5,3 фоизида чурра қайталанеди. Биз таклиф қилаётган модификациядаги чурра нуқсонининг қорин парда олди аллопластикаси I.L.Lichtenstein усули бўйича операцияга ишончли алтернатив бўлиб, ўрта ва катта ўлчамли чов чурра билан оғриган беморларни даволашда, бу тўғри бажарилганда қайталанишни келтириб чиқармайди ва қўлланиладиган тўр имплантати турига боғлиқ бўлмаган ҳолда (Фишернинг бурчак мезони  $p < 0,05$ ) асоратларнинг кам сонига эга. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: 1) беморларнинг стационарда бўлиш вақти камайган; 2) беморларда

операциядан кейинги оғриқ кам кузатилганлиги ҳисобига оғриқ қолдирувчи дориларга эҳтиёж кам бўлган. *Хулоса:* Герниоаллопластиканинг қорин парда олди модификациялаштирилган очиқ усулини амалиётга татбиқ этиш натижасида операциядан кейинги реабилитация даври 5-7 кундан 3-4 кунгача қисқариш ҳисобига 1 нафар беморга бюджет маблағларини 640 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 790 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*тўртинчи илмий янгилик:* "Таранглашган" ва "Таранглашмаган" операция усуллари орқали чов герниопластикасини бажариш натижалари ўрганилди, жарроҳлик аралашувларнинг клиник афзаллиги аниқланди. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Беморларнинг ҳаёт сифатини такомиллаштирилган шкала бўйича таҳлил қилинганда, Чов чурраларни даволашнинг мақбул тактикасини танлашда табақалаштирилган ёндашув алгоритминини қўллаш "аъло ва яхши" натижалар улушини 88,3% дан (таққослаш гуруҳидаги 77 бемордан 68 нафари) 100,0% гача оширишга имкон берди (асосий гуруҳидаги 82 бемор) ( $p=0,030$ ). Олинган натижаларни таҳлил қилишда "таранглашмаган" чов герниоаллопластикадан сўнг беморларда жисмоний ва руҳий саломатлик кўрсаткичларининг сезиларли даражада юқори кўрсаткичларига эътибор қаратилади ( $p < 0,05$ ). *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (26.03.2024 й.; №51), Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (01.04.2024 й.; №147), Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (04.04.2024 й.; №154) тadbик этилди. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши натижасида чов чурралари билан оғриган беморларни даволаш натижалари яхшиланган, беморлар реабилитацияси қисқарган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* Тавсия этилган янгиликларни амалиётга тadbик этиш натижасида операциядан кейинги асоратлар ва чов чуррасининг қайталаниши сони кескин камайиши натижасида мазкур беморларни даволашнинг юқори тиббий самарадорлигини таъминлайди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: 1) беморнинг шифохонадаги даври учун: беморнинг шифохонада қолиш муддатини 7 кундан 3 кунгача кунга қисқартиририб, шифохонада қолиш тўлов миқдори тахминан 210 минг сўмга камайтирган (РПМ нинг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 76.000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 150 000 сўм дори воситалари сарфланади); реабилитация харажатларини камайтирган (1 кунга ўртача реабилитация учун ишлатиладиган 35.000 сўм дори воситалари сарфланади); 2) беморнинг шифохонадан ташқаридаги даври учун (бошқа тиббий муассасаларда даволаниши, масалан беморнинг яшаш жойи бўйича поликлиникаларда) бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган. *Хулоса:* Чов чурраси билан оғриган беморларда герниоаллопластиканинг таранглашмаган усулини қўллаш натижасида 1 нафар бемордан бюджет

маблағларини 6 400 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 7 200 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзусида 16 та илмий иш чоп этилган, улардан 8 таси журнал мақолалари, улардан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, беш боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва келтирилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матн материалининг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чов чурраси билан оғриган беморларни даволаш муаммосига замонавий қарашлар**» номли биринчи бобида беморларда чов чурра муаммолари, этиопатогенези, даволаш ва ташхислашнинг замонавий усуллари, шунингдек, ушбу патология билан беморларни юритишнинг долзарб масалалари моҳиятини очиқ берувчи адабиётлар шарҳи берилган. Ушбу бобда муаммонинг ҳолати, чов чурра жарроҳлигида қўлланиладиган герниопластика усуллари ва уларнинг қиёсий тавсифлари келтирилган. Герниал жарроҳликдаги герниаллопластика замонавий жаҳон адабиётига кўра алоҳида тавсифланган.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи боби клиник материаллар ва тадқиқот усулларига бағишланган. Тадқиқот 2018-2023 йиллар оралиғида Самарқанд кўп тармоқли вилоят касалхонасининг жарроҳлик бўлимида операция қилинган чов чурраси бўлган беморларни текшириш ва даволаш натижаларига асосланган. Проспектив динамикали фаол тадқиқот учун чов чурраси бўлган 196 бемор танланган. Улар ҳар хил турдаги чов чурралари бўлган эркак беморлар эди. Тадқиқотнинг янгилиги чов чурра билан оғриган беморларни жарроҳлик даволашни оптималлаштиришга, операциядан кейинги даврда қониқарсиз натижаларни камайтиришга, касалликнинг қайталанишини камайтиришга ва тадқиқотнинг асосий ваколоти репродуктив ёшдаги эркакларнинг фертилликни сақлаб қолиш ва шу билан ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган. Шу муносабат билан, бизнинг тадқиқотимизда аёл беморлар бўлмаган.

Беморлар режалаштирилган ва шошинч ҳолатларда операция қилинган ва даволаш тактикасини танлашга қараб, беморлар икки гуруҳга бўлинган (1-расм).



**1-расм . Беморларни тадқиқот гуруҳлари бўйича тақсимлаш (n=196)**

Биринчи гуруҳ, таққослаш гуруҳи чов чурраси билан оғриган беморларнинг 93 (47,4%)ни ташкил этди, улар анъанавий усуллар билан герниоаутопластика (69 – 74,2%) ва Лихтенштейн усули билан чов герниоаллопластикаси (24 – 25,8%) билан амалга оширилди. Иккинчи, асосий гуруҳ 103 (52,6%) беморни ташкил этди, улар бизнинг такомиллаштирилган усул бўйича чов герниоаллопластикаси ўтказилди – 61 (59,2%) беморларда ва Постемпский бўйича герниоаутопластика – 42 (40,8%) беморда бажарилган.

Беморларнинг 83 (42,3%) 50 ёшдан ошган: асосий гуруҳда – 44 (53,0%) ва таққослаш гуруҳида – 39 (47,0%). Ўрта ёш бўйича ўрганилаётган иккала гуруҳ ҳам статистик жиҳатдан ишончли таққосланади: асосий гуруҳда –  $47,1 \pm 0,3$  йил, таққослаш гуруҳида –  $44,7 \pm 1,0$  ( $p > 0,05$ ).

Анамнезда асосий гуруҳдаги 22 (21,3%) ва таққослаш гуруҳидаги 17 (18,3%) беморларда такрорий чурра қисилишлар тарихи бўлган. Режалаштирилган тартибда 134 (68,4%) бемор ва шошинч тартибда чов чурра қисилиши бўйича – 62 (31,6%) бемор операция қилинди. Шошинч операциялар учун кўрсатмалар билан қисилиб қолган чов чурралар учун герниоаутопластика усуллари (79,0%) ва асоратланмаган чурралар учун герниоаллопластика усуллари (53,7%) кўпроқ ишлатилган.

Чурра турлари бўйича (L.M. Nyhus таснифи) гуруҳларда тақсимот 1-жадвалда келтирилган. Беморларда қийшиқ чурраларнинг умумий сони 149 тани ташкил этди (76,0%). III турдаги чурралар сони (тўғри чурралар) 43 (21,9%), такрорий чов чурралар 9 (4,6%) ҳолатда аниқланган. Тадқиқот гуруҳларидаги чурралар тури бўйича ўтказилган статистик таҳлил асосида бир ҳил деб ҳисоблаш мумкин ( $p_{\chi^2} > 0,05$ ). Гуруҳларда чурра локализациясида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланмади ( $p_{\chi^2} = 0,65$ ).

## Чов чурраларни L.M. Nyhus чурралари таснифи бўйича тақсимлаш

Тадқиқот гуруҳлари		Чурра турлари						Барча чурралар
		I тур	II тур	III тур		IV тур		
				IIIА	IIIВ	IV А	IV В	
Таққослаш гуруҳи	Жирар-Спасокукоцкий-Кимбаровский бўйича	15	3	-	-	-	-	18
	Постемпский бўйича		21	13	15	1	1	51
	Лихтенштейн бўйича		13	6	5	-	-	24
Асосий гуруҳ	Постемпский бўйича		19	12	9	1	1	42
	Такомиллаштирилган чов герниопластикаси		26	12	18	2	3	61
Жами		15	82	43	47	4	5	196
%		7,6	41,8	21,9	23,9	2,0	2,5	100

Антропометрик тадқиқотлар ўртада ҳарорати камида 20°C бўлган яхши ёритилган хонада ўтказилди, бемор жойлашган замин текис, илиқ эди. Ўлчовлар кўп ҳолларда эрталаб амалга оширилди. Ўлчов дастури 10 дақиқадан кўпроқ вақтни олди. Вазн ўлчаш овқатдан олдин тиббий тарозида амалга оширилди. Чов канал тос суяги элементларига маҳкам ўрнашганлиги сабабли (ва катталарда у ўзгармайди), чов чурра билан оғриган беморларда антропометрия доимий суяк ўлчамлари индексларини таҳлил қилиб ўрганилди. Барча антропометрик тадқиқотлар В.Н. Шевкуненко усулидаги ўлчовлар билан бажарилган.

Барча беморларда умумий қон таҳлиллари («Abacus junior «В», гематологик анализатори, Швейцария) ва сийдик таҳлиллари ўтказилди, қон гуруҳи ва Резус-фактор аниқлаш, Вассерман реакцияси, гепатит В ва С, ОИВ инфекцияси учун қон текшируви ўтказилди. Қуйидаги биокимёвий кўрсаткичлар аниқланди: умумий қон оқсил (кўрсатмаларга кўра-оқсил фракциялари), билирубин, трансаминазалар, карбамид, креатинин, қон электролитлари ("Stat Fax 3300" биокимёвий анализатори, АКШ). Қон ивиш тизимларни баҳолаш тромбоцитлар сони, фибриноген кўрсаткичлари, халқаро нормаллаштирилган нисбат, қон ивиш вақти ва қон кетиш давомийлиги бўйича амалга оширилди; кўрсатмаларга кўра, коагулограмма ўтказилди.

Моякларда қон оқимини аниқлаш мақсадида уруғ тизимчаси элементлари дуплексли ультрасонографик сканерлаш бажарилди. Уруғ тизимчаси ва моякдаги қон оқимининг бузилиши чурра томонида чов чурра бўлган 30 беморда интратестикуляр артерияда қон оқимининг энг юқори систолик тезлигини, операциядан олдин, пайтида ва 1 ойдан кейин соғлом томонни ўрганиш орқали ўрганилди. Датчик мояк устидаги ёрғоқ терисига жойлаштирилган. Сканерлаш реал вақт режимида узунига ва қўндаланг йўналишларда, чурра бўлган томонда ва соғлом томонда мояк қон оқимининг ўзгаришини аниқлаш учун амалга оширилди. Тадқиқот давомида олинган маълумотлар протоколда қайд этилган ва суратга олинган (2-3-расм).




**2- расм .** Беморнинг ультратовуви текшируви А., 57 ёш ва / б №8592/736. Lichtenstein бўйича такрорий чов чурра. Апоневроз остида протез кўрсатилади



**3-расм .** Беморнинг ультратовуви текшируви П., 64 ёш ва / б №1843/103. Протез нуқсони Cooks ойнаси орқали уруғ тизимчасининг чиқиш жойида кўрсатилган

Диссертациянинг “Чов чурраси пайдо бўлиши ва қайталаниши учун хавф омиллари” деб номланган учинчи бобида чов чурралари қайталаниши сабаби ўрганилган. Беморларнинг меҳнат фаолияти ўрганилганда ярмидан кўпчилиги (58,7%) оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланган. Шунинг учун, оғир жисмоний меҳнат чурра шаклланишига ва/ёки касалликнинг қайталанишига ҳисса қўшадиган омиллардан бири деб тахмин қилиш мумкин (4-расм).



**4-расм.** Беморларнинг меҳнат фаолияти хусусиятига кўра тақсимланиши (n=196)


Кўпинча беморлар ортиқча вазн, корин бўшлиғи босимининг ошиши ва яқин қариндошларида чурра анамнези каби ёндош касалликлари борлиги кузатилди. Бир қатор беморларда чурра ҳосил бўлиши учун бир нечта шунга ўхшаш хавф омиллари мавжуд бўлган (5-расм). Бириктирувчи тўқималарнинг тизимли бузилиш белгиларини аниқлаш учун (чов чуррасидан ташқари) биз чов чурраси бўлган беморларда мавжуд бўлган ёндош касалликларнинг батафсил таҳлилинини ўтказдик, бу бириктирувчи тўқима тузилмаларининг тизимли шикастланишини кўрсатади.




**5-расм.** *Ўрганилаётган гуруҳлардаги беморларда қорин бўйлиги босимининг ошиши билан бирга келадиган ёндош касалликларнинг хусусиятлари (n=196)*

Ортиқча вазн ва гиперстеник тана тузилиши турига эга бўлган беморларда чов каналининг мушак – апоневротик деворининг тузилишида жиддий бузилишлар мавжуд. Ушбу ўзгаришларнинг табиати, яъни коллаген толалари тартибининг бузилиши, айнан шу таркибий ўзгаришлар апоневрознинг мустаҳкамлиги бузилишининг асоси эканлигини кўрсатади (6-7- расм).


Ёшидан қатъий назар, апоневроз тўқималарининг ҳаддан ташқари кўпайишига ёрдам берадиган омилларнинг мавжудлиги (семириш, чов чурраларнинг қайталаниши) мушак-апоневротик қатламнинг дистрофик қайта тузилишини шаклланишига олиб келиши мумкин, унинг кучи пасаяди (8-9-расм). Юқоридаги таркибий ўзгаришлар чов канал деворининг кучига таъсир қилади, унинг механик юкларга мослашишини камайтиради ва шу билан чов чурраси шаклланишига ёрдам беради.




**6-расм.** *Гиперстеник тузилишга эга бўлган беморда чов канали юқори деворининг мушак тўқимаси. Мушак тўпламлари орасидаги кенг бўйлиқлар ("тузилмасиз" зоналар). Кенгайган томир зоваги ва уларда тўпланган эритроцитлари бўлган томирлар. Бемор К. 35 ёшида (№15232/1031). 10×10.*



**7-расм.** *Беморнинг апоневрози К. 45 ёшида (№15232/1031) гиперстеник тузилиши билан. Уларда қизил қон таначалари бўлган толалар тўпламлари орасидаги катта бўйлиқлар. Г-Э. 10×40.*



*8-рasm. Беморнинг апоневрози 77 ёшда (№2912/201). Тарқоқ толаларнинг хаотик жойлашуви, улар орасидаги бўшлиқлар аниқ тола тўплами шаклланмасдан кенгайган. 10×40.*



*9-рasm. Бемор Х.нинг апоневрози нормостеник тузилиши билан 78 ёшда. (№6254/443). Турли хил толаларнинг тартибсиз жойлашуви, улар орасидаги бўшлиқлар кенгайган. 10×40.*

Шундай қилиб, чов канал деворининг морфологик тузилишидаги ўзгаришлар нафақат катта ёш гуруҳлари учун, балки апоневроз тўқималарининг ҳаддан ташқари кенгайишига ёрдам берадиган омиллар мавжуд бўлган беморлар учун ҳам характерлидир, улар аниқланганда чурра нуқсонининг ёши ва катталигидан қатъи назар, герниопластикани амалга оширишда чов каналининг орқа деворини мустаҳкамлаш учун синтетик трансплантатдан фойдаланиш талаб этилади.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот асосида чов чурраси билан оғриган беморларда чурраларнинг пайдо бўлиши учун 1 дан 4 гача хавф омиллари мавжудлигини аниқладик. Уларнинг асосийлари оғир жисмоний зўриқиш (чурра ташувчиларнинг 58,7 фоизда); қорин бўшлиғи босимининг ошиши билан кечадиган қўшма касалликларнинг мавжудлиги (беморларнинг 115 (58,7%)); шунингдек, бириктирувчи тўқиманинг туғма дисплазия белгиларининг мавжудлиги (беморларнинг 28,1 фоизда).

Бу омилларнинг барчаси чов чурранинг ривожланишига ва/ёки унинг қайталанишига олиб келади ва чуррани даволаш усулини танлашда эътиборга олиниши кераклигини билдиради.

Диссертациянинг «**Таққослаш гуруҳидаги беморларни жарроҳлик даволаш натижалари**» деб номланган тўртинчи боби таққослаш гуруҳидаги беморларни хирургик даволаш натижаларига бағишланган. Таққослаш гуруҳидаги 93 нафар бемордан 84 нафарида (90,3%) операциядан кейинги энг якин давр асоратларсиз ўтди. Беморларнинг 9 (9,7%) жарроҳлик аралашувининг 15 (16,1%) асоратини бошдан кечирди: 1 беморда - жароҳатнинг йиринглаши, 1 беморда - чов соҳасининг инфилтрати, 2 беморда - ёрғокнинг шишиши, 1 беморда - мойк истисқоси, 1 беморда - чов соҳасининг гематомаси, 1 беморда сийдик - таносил тизимининг инфекцияси ва 4 беморда – сийдикнинг ўткир тутилиши кузатилди (2-жадвал).

**Таққослаш гуруҳидаги чов чурраси билан оғриган беморларни  
жароҳлик даволашнинг бевосита натижалари**

Асоратлар		Операция тури						Жами			
		Жирар-Спасокукоцкий-Кимбаровский бўйича		Постемпский бўйича		Лихтенштейн бўйича					
		абс.	%	абс.	%	абс.	%			абс.	%
		18	100	51	100	24	100			93	100
Операциядан кейинги жароҳат соҳасида	Жароҳатнинг йиринглаши	-	-	1	1,96	-	-	1	1,1		
	Инфильтрат	-	-	1	1,96	-	-	1	1,1		
	Ёрғоқнинг шишиши	1	5,5	1	1,96	-	-	2	2,1		
	Мояк гидроцелеси	-	-	1	1,96	-	-	1	1,1		
	Операциядан кейинги гематома	1	5,5	-	-	-	-	1	1,1		
	Операциядан кейинги жароҳат серомаси	-	-	-	-	4	16,7	4	4,3		
Бошқалар	Ўткир сийдикни ушлаб туриш	-	-	3	5,9	1	4,2	4	4,3		
	Сийдиктаносил йўллари инфекцияси	-	-	1	1,96	-	-	1	1,1		
Жами асоратлар:		2	11,1	8	15,7	5	20,8	15	16,1		
Жами беморлар:		2	11,1	4	7,8	3	12,5	9	9,7		


Бир беморда уруғ тизимчаси гематомаси ва бошқа бир беморда мояк 3-4 ҳафта давомида бир неча марта очилган. Жароҳат инфилтратининг асоратлари бўлган беморлар, ёрғоқнинг шишишида компресслардан фойдаланилган. Жароҳат йиринглаган бир беморда иккиламчи жароҳат битиши кузатилди. Беморларнинг 4 (4,3%) да операциядан кейинги жароҳат ва сийдик катетерининг қолиши билан бевосита боғлиқ бўлмаган асоратлар бўлган – бу сийдикни ўткир ушланиб қолиши – 3 (3,2%) ва сийдик йўллари инфекцияси – 1 (1,1%), кекса эркак беморда пайдо бўлган.

Турли хил турдаги тўр имплантлари ёрдамида операция қилинган чов чурраси билан оғриган 24 беморни даволаш натижалари таҳлил қилинди.

Операциядан кейинги дастлабки даврда операциядан кейинги жароҳатнинг серомаси 4 беморда пайдо бўлди, улар пункция усули билан бартараф қилинди. Ўткир сийдикни ушлаб туриш 1 беморда кузатилган. Лихтенштейн усули бўйича операция қилинган беморларнинг 9 (37,5%), стационар даволаш тугаган пайтида, чов соҳада ёт жисм ҳисси борлигини кўрсатди, шундан 3 (33,3%) нафар беморда чов соҳаси невралгияси пайдо бўлди.

"Оғир" имплант қўйилган беморларда (25,0%) ва чов нервларнинг санчилиш хусусияти билан боғлиқ асоратлар туфайли (16,7%) асоратлар сони устунлик қилди (Фишернинг бурчак мезони  $\varphi < 0,01$ ).

Операциядан 6 ой ўтгач, 90 (96,8%) бемор (таққослаш гуруҳида операция қилинган 93 кишидан) текширилди, шундан 6 нафари (6,7%) И.Л. Лихтенштейн операциясидан сўнг жарроҳлик соҳасида ёт жисм ҳисси борлиги аниқланди. Беморларнинг 5 (5,5%) (шундан 2 нафари Постемпский операциясидан кейин ва 3 нафари Лихтенштейн операциясидан кейин) чов соҳасида доимий оғриқни кузатилди, бу эса оғриқни даволашга муҳтож эмас эди. Постемпский операциясидан кейин мойк атрофияси 3 (3,3%) беморда аниқланди (10-расм).



**10-расм.** Таққослаш гуруҳидаги беморларда операциядан кейинги дастлабки 6 ой ичида қониқарсиз натижаларни тавсифлаш

Операциядан 3 йил ўтгач, 77 (82,8%) бемор текширилди, операция қилинган беморларнинг 3 (3,9%) мойк атрофиясидан ташқари, 4 (5,2%) беморда чов чурра қайталаниши аниқланди. Улардан 1 нафари Жирар-Спасокукоцкий-Кимбаровский усули бўйича операциядан кейин, 2 нафари Постемпский усули бўйича операциядан кейин ва 1 нафари Лихтенштейн операциясидан кейин (жадвал 3).

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, чов каналининг олд девори мустаҳкамлангандан сўнг 7,7% ҳолларда чов чурра қайталаниши кузатилган. Чов каналининг орқа деворини мустаҳкамлаш билан таранглашган пластикадан операциясидан сўнг, такрорланишдан (4,4%) ташқари, қон таъминоти бузилганлиги сабабли 6,7% ҳолларда мойк атрофияси кузатилган. Чов чурраларни даволашда Лихтенштейн бўйича бажарилган операция техник жиҳатдан жуда содда, уни бир соат ичида ( $52,3 \pm 11,2$  дақиқа) бажариш мумкин, аммо бу жуда самарасиз эди (беморнинг 1 (5,3%) да қайталаниш), баъзи ҳолларни қуйидаги бобда муҳокама қилинади.

**Таққослаш гуруҳидаги беморларда операциядан кейин чов чуррасининг такрорланиш даражаси**

Узоқ даврдаги натижалар	Операция тури						Жами	
	Жирар-Спасокукоцкий-Кимбаровский бўйича		Постемпский бўйича		Лихтенштейн бўйича			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
	13	100	45	100	19	100	77	100
Қайталаниш	1	7,7	2	4,4	1	5,3	4	5,2
Мояк атрофияси	-	-	3	6,7	-	-	3	3,9

Диссертациянинг «**Чов чурраси билан оғриган беморларда жарроҳлик даволашни оптималлаштириш**» деб номланган бешинчи боби ишлаб чиқилган янгиликлар ва чов чурраси билан беморлар хирургик давоси техник жиҳатларини такомиллаштиришга бағишланган. Чов чурра қайталанишининг сабабларини таҳлил қилиш ва таққослаш гуруҳидаги беморларни текшириш ва даволаш натижаларини таҳлил қилиш бизга чов каналини пластика қилиш усулини танлаш алгоритминини ишлаб чиқишга имкон берди (11-расм). 2020 йилдан бошлаб биз томонидан пластика тури чов учбурчаги соҳасидаги тўқималарнинг ҳолатига қараб танланади. Танловда биринчи навбатда чов каналининг орқа деворининг йўқ қилиниши даражаси, ички чов ҳалқа, чов бойламининг тарқалиши ва ташқи қийшиқ қорин апоневрози, шунингдек беморнинг ёши, жисмоний ҳолати ва қўшма патологиянинг мавжудлиги ката аҳамиятга эга. Касалликнинг қайталанишига таъсир қилувчи асосий омиллар чов каналининг орқа деворининг ҳолатидир. Катта қия, аксарият ҳолларда тўғри ва такрорий чурралар билан кузатиладиган орқа девордаги сезиларли ўзгаришлар билан биз аллопластикани танлов усули билан ўзгартирилган усул деб ҳисоблаймиз.

11-расмдан келиб чиқадики, чов чурра учун жарроҳлик даволаш учун қабул қилинган барча беморларда қуйидагиларни бажариш керак:

1. Касбий ва оилавий чурра анамнези, шунингдек, ёндош касалликларни аниқлаш учун анамнезни йиғиш;

2. Биргаликда касалликларни аниқлаш учун клиник ва лаборатория текшируви, шу жумладан. бириктирувчи тўқима дисплазия белгилари ва қорин бўшлиғи босимининг ошишига олиб келадиган касалликлар;

3. Беморларнинг тана турини аниқлаш учун антропометрик тадқиқотлар.

